ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FM.01.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРСУНОВ БАЙРАМАЛИ АКБАРОВИЧ

НОМАНФИЙ ЭГРИЛИКЛИ КЎПХИЛЛИКЛАРДА РИМАН СУБМЕРСИЯЛАРИНИНГ ГЕОМЕТРИЯСИ

01.01.04 – Геометрия ва топология

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2020

УДК: 514.763.2

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FM.01.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРСУНОВ БАЙРАМАЛИ АКБАРОВИЧ

НОМАНФИЙ ЭГРИЛИКЛИ КЎПХИЛЛИКЛАРДА РИМАН СУБМЕРСИЯЛАРИНИНГ ГЕОМЕТРИЯСИ

01.01.04 – Геометрия ва топология

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2020

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/FM502 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон миллий университетида ва Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.ik-fizmat.nuu.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Нарманов Абдигаппар Якубович** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Заитов Адилбек Атаханович** физика-математика фанлари доктори
	Каипназарова Гулжахон Хожаназаровна физика-математика фанлари номзоди
Етакчи ташкилот:	**Тошкент давлат транстпорт университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «4» август соат 10^{00} даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21, 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университстининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (53 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2020 йил «28» июль куни тарқатилди.
(2020 йил «27» июль даги 1 рақамли реестр баённомаси).

А. Садуллаев
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор,
академик

Н.К. Мамадалиев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.ф.д. (PhD)

Р.Б.Бешимов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
ф.-м.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида фундаментал ва амалий фанлар соҳасида олиб борилаётган кўпгина илмий ва амалий тадқиқотлар геометрик методлардан, жумладан қатламалар назарияси методлари ва натижаларидан фойдаланади. Қатламалар назарияси геометриянинг нисбатан янги бўлимларидан бўлиб, француз олимлари томонидан фундаментал асослари қурилган. Улар қатламалар назарияси соҳасида фундаментал натижаларга эришдилар, бу эса ушбу назариянинг фан ва техниканинг бошқа соҳаларида аҳамиятини тушунишга имкон берди. Хусусан, француз математиклари қатламалар голономияси группалари, қатламалар учун Эресман боғланиши, қатламларнинг лимит тўпламлари ўргандилар, ҳамда бу тушунчалардан фойдаланиб қатламанинг локал ва глобал турғунлиги ҳақидаги теоремаларни исботладилар. Кейинчалик бу назария АҚШ, Япония, Полша ва Россияда ривожланди. Америкалик математиклар Эресман боғланиши киритилган қатламалар, хусусан тўла геодезик ва риман қатламалари геометрияси бўйича муҳим натижаларни олишган, Токио университети математиклари қатламанинг топологик хоссаларини ўрганишган. Россиялик олимлар коўлчами бирга тенг қатламалар геометрияси бўйича фундаментал натижаларга эришдилар.

Ҳозирги вақтда дунёда замонавий геометрия актуал муаммоларидан бири субмерсия сатҳ сиртлари ҳосил қилган қатламалар геометриясини ўрганишдан иборат. Субмерсиялар ҳосил қилган қатламалар геометриясининг амалий фанларнинг кўплаб соҳаларида, хусусан физикада турли хил тадбиқлари мавжуд. Қатламалар геометрияси натижаларини фаннинг бошқа соҳаларида, хусусан механика, динамик системалар назарияси масалаларини ечиш учун қўллаш актуал илмий йўналиш ҳисобланади.

Мамлакатимизда табиий фанларни, хусусан математиканинг фундаментал ва амалий йўналишларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Геометрия замонавий математиканинг қадимий ва муҳим таркибий қисми сифатида замонавий математикани тадқиқ қилишда кучли восита бўлиб хизмат қилади. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида жадал ривожланаётган қатламалар назариясини ўрганишга, хусусан, субмерсиялар ҳосил қилган қатламалар геометриясини ўрганишга, вектор майдонлар орбиталари ҳосил қилган сингуляр қатламалар геометрияси ва топологиясини ўрганишга, қатламали кўпхилликлар изометриялари группасини ўрганишга алоҳида этибор қаратилди. Математика фанларининг устувор йўналишлари ҳисобланган "алгебра, динамик тизимлар назарияси, геометрия ва топология ва шу каби" ихтисосликлар бўйича ҳалқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш фундаментал тадқиқотларнинг асосий вазифаси сифатида қаралади[1]. Ушбу қарорнинг бажарилишида қатламалар назариясининг ривожланиши ва бошқа фан тармоқларига тадбиқи муҳим аҳамиятга эга.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги 292-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантриш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947 Фармони, 2017 йил 17 февралдаги «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2789-Қарори ва 2019 йил 9 июлдаги “Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4387-сонли Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқот мавзуси ва объекти, мавзу юзасидан ўрганилган муаммолар муайян даражада ҳисса қўшади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Максимал рангли дифференциалланувчи акслантиришлар математиканинг турли бўлимларида, хусусан Риман геометриясида муҳим аҳамиятга эга. У иккита синф – ботиришлар ва субмерсиялар синфидан ташкил топган. Максимал рангли дифференциалланувчи акслантиришларнинг муҳим синфларидан бири ботиришдир. Риман геометрияси пойдо бўлгандан бери ботириш жадал ўрганилмоқда. Уч ўлчамли Евклид фазосига жойлаштирилган сиртлар риман кўпхиллигига содда мисол бўлади. Шунинг учун изометрик ботиришлар ва жойлаштиришлар дифференциал геометрияси яхши ўрганилган ва дифференциал геометриядан кўплаб ўқув адабиётларида етарлича акс эттирилган. Ботириш тушунчасига қўшма субмерсия тушунчаси йигирманчи асрнинг иккинчи ярмида шаклланди. Субмерсиянинг дифференциал геометрияси биринчи марта R. Hermann ва B. O'Neil ишларида баён қилинган.

Субмерсиялар геометриясини, хусусан, риман субмерсиялари геометриясини ўрганиш замонавий риман геометриясининг барча бўлимларида риман субмерсияларининг қўлланилиши туфайли жуда самарали бўлди. Худди фундаментал тенгламалар каби Риман субмерсияларининг фундаментал хоссалари, эгрилик хоссалари J. Cheeger, D. Gromoll, R. Hermann, B. O'Neil, G. Walschap лар томонидан олинган. Риман субмерсиялари ҳосил қилган қатламалар геометрияси ва риман субмерсиялари учун геодезик чизиқнинг сақланиши хоссаси R. Escobales, B.L. Reinhart ишларида ўрганилган. Ҳозирда субмерсия тушунчаси ва субмерсиялар геометриясини ўрганишда асосий тушунчалар риман геометрияси дарсликларига киритилган, улар нафақат геометрияда балки механика, назарий физика, нисбийлик назарияси каби барча тегишли фанларда қўлланилади. Риман субмерсиясининг физика ва механикага тадбиқлари италиялик математиклар M. Falcitelli, A.M. Pastore, S.Ianus ишларида ўрганилган.

Республикамиз олимлари профессор А.Я. Нарманов ва унинг шогирдлари А.Байтураев, Г.Каипназарова изланишларида риман субмерсиялари ҳосил қилган евклид фазосидаги қатламаларнинг тўлиқ классификацияси ва қатламнинг секцион эгрилиги билан боғлиқ геометрик характеристикалари олинган, А.С. Шариповнинг ишларида субмерсиялар ҳосил қилган қатламалар изометриялари группаси ўрганилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг Ф4-04 “Қатламали кўпхилликларнинг геометрияси ва топологияси” (2012-2016 йиллар) мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади эгрилиги номанфий кўпхилликларда риман субмерсиялари геометриясини ўрганишдан ва риман субмерсиялари ҳосил қилган қатламалар геометриясини тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилар:

номанфий эгриликли кўпхилликда берилган метрик функциялар сатҳ сиртлари ҳосил қилган қатламалар секцион эгрилигини топиш;

ҳар бир компонентаси метрик функция бўладиган субмерсиялар ҳосил қилган қатлама секцион эгрилигини топиш;

Киллинг вектор майдонлари орбиталари устида риман субмерсияларини қуриш ва улар ҳосил қилган қатлама қатламлари бош эгриликлари локал ўзгармаслигини исботлаш.

Тадқиқот объекти риман субмерсияи, қатламали кўпхилликлар, изопараметрик қатламалар, Киллинг вектор майдонлари, вектор майдонлар орбитасидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети риман субмерсиялари геометрияси, Киллинг вектор майдонлари орбиталари хоссаларини, риман субмерсиялари ҳосил қилган қатламали кўпхиллик ва қатлам эгриликлари орасидаги боғланишни тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқот ишида дифференциал геометрия, дифференциал топология, риман геометрияси ва қатламалар назарияси методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Секцион эгрилиги ўзгармас номанфий кўпхилликда берилган компоненталари метрик функциялардан иборат субмерсия ҳосил қилган қатламанинг ҳар бир қатлами номанфий (мусбат) секцион эгриликли кўпхиллик бўлиши исботланган;

Уч ўлчамли торда икки ўлчамли сферадаги Киллинг вектор майдонлар орбитаси устида қурилган риман субмерсиясининг бир ўлчамли риман қатлама ҳосил қилиши исботланган;

Киллинг вектор майдонлари орбитасида шу орбита устида қурилган субмерсия риман субмерсияси бўладиган риман метрикаси мавжудлиги исботланган.

Риман субмерсиясини ҳосил қилган Киллинг вектор майдонлари орбитаси номанфий эгриликли кўпхиллик бўлиши исботланган;

Киллинг вектор майдонлари орбитаси ёрдамида ҳосил қилинган риман субмерсияси изопараметрик қатлама ҳосил қилиши исботланган;

Киллинг вектор майдонлари орбитаси устида қурилган риман субмерсияси ҳосил қилган икки ва ундан катта ўлчамли қатламанинг эгрилиги нолга тенглиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари риман субмерсиялари геометрияси тадқиқоти натижалари қатлама қатламлари ва қатламали кўпхиллик секцион эгриликлари орасидаги боғланишни топиш учун, ҳамда дифференциал геометриянинг турли масалалари учун қўлланилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Риман геометрияси, дифференциал топология ва дифференциал геометрия методлари, ҳамда математик фикрлашнинг қатъийлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, метрик функция сатҳ сиртларидан иборат қатламанинг секцион эгриликлари номанфий эканлиги, Киллинг вектор майдонлари орбитаси устида қурилган риман субмерсиялари изопараметрик қатламалар ҳосил қилиши исботланган.

Диссертациянинг амалий аҳамияти риман субмерсияларининг геометрияси қатлам ва қатламали кўпхилликлар секцион эгриликлари орасидаги боғланишни топишда, сатҳ сиртлари геометриясини ўрганишда, бундан ташқари “тўла” дифференциал геометриянинг масалаларини ўрганиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Номанфий эгриликли кўпхилликларда риман субмерсиялари геометрияси бўйича олинган диссертация натижалари қуйидаги илмий-тадқиқот лойиҳасида қўлланилган:

Қатламали кўпхиллик ва қатлама қатламларининг секцион эгриликлари орасидаги боғланишдан “MRU-10/2017 Бошқарув назарияси ва дифференциал ўйинлар масалаларидан геометрик ва аналитик методларни ривожлантириш” илмий тадқиқот лойиҳасида қатламали кўпхиллик геометрик ва топологик хоссалари ҳақидаги масалаларни ечишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта таълим вазирлигининг 2020 йил 25 июндаги № 89-03-2265 сонли маълумотномаси). Бу илмий натижаларнинг қўлланилиши, хусусан, қатлам геометриясининг қатламали кўпхиллик эгрилигига боғлиқлиги қатламали кўпхиллик геометрияси ва топологиясини аниқлаш имконини берган.

Вектор майдонлари оиласи орбиталари ва ҳолатлар фазоси секцион эгриликлари орасидаги боғланишдан Удмуртия давлат университетининг «№ 18-51-41005 Бошқарув назарияси ва дифференциал ўйинлар масалаларидан геометрик ва аналитик методларни ривожлантириш» номли лойиҳасида динамик системалар ва дифференциал ўйинлар масалларини ечишда фойдаланилган (Удмуртия давлат университети, Россия, маълумотнома № 7873-5526/31, 12 май 2020 йил). Бу натижалар дифференциал ўйинлар эришувчанлик тўплами геометриясини ўрганишга ёрдам берган. Хусусан, орбита эгрилиги ҳолатлар фазоси эгрилига боғликлиги фазо эгрилиги номанфий бўлганда эришувчанлик тўпламининг эгрилиги ҳам номанфий бўлишини исботлашга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та Халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 3 таси хорижий ва 5 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 98 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация кириш қисм, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Кириш қисмида диссертация мавзусига оид долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Номанфий эгриликли кўпхилликлар геометрияси» деб номланувчи биринчи боби учта параграфдан иборат. Ушбу бобда диссертацияда ишлатиладиган асосий тушунча ва ёрдамчи фактлар келтирилган.

Биринчи бобнинг биринчи ва иккинчи параграфида дифференциалланувчи акслантиришлар назарияси қисқача баён этилган, дифференциалланувчи акслантиришларга боғлиқ зарур таърифлар ва ёрдамчи теоремалар баён қилинган, киритилган тушунчаларга доир мисоллар келтирилган.

Ўлчами n га тенг M силлиқ кўпхиллик учун TM - уринма қатлама, $\pi : TM \to M$ -проекция бўлсин.

Таъриф 1.2.9. Агар $X : M \to TM$ акслантириш $\pi(X(x)) = x$ тенгликни қаноатлантирса, у M да аниқланган вектор майдон дейилади.

Вектор майдон ҳар бир $x \in M$ нуқтага бирор $X_x \in T_x M$ уринма векторни мос қўяди.

Кўпхилликдаги ҳар икки $X, Y \in V(M)$ вектор майдонга f силлиқ функцияга

$$[X,Y]_x f = X_x Y(f) - Y_x(Xf)$$

қоида билан, ёки локал координаталарда

$$[X,Y]_x f=(X^j\partial_j Y^i-Y^j\partial_j X^i)_x\partial_i f$$

қоида билан таъсир қилувчи янги вектор майдон $[X,Y]$ ни мос қўямиз. Бу вектор майдон X,Y вектор майдонларнинг Ли қавси дейилади.

Агар ҳар бир уринма фазо T_xM да x нуқтага силлиқ боғланган скаляр кўпайтма $\langle\cdot,\cdot\rangle$ аниқланган бўлса, у ҳолда M силлиқ кўпхилликда риман структураси (метрикаси) берилган дейилади.

Риман структураси аниқланган боғланишли силлиқ кўпхиллик M риман кўпхиллиги дейилади.

Мос равишда ўлчами n ва m бўлган M ва N кўпхилликлар берилган бўлсин.

Таъриф 1.2.16. Максимал рангли дифференциалланувчи $f:M\to N$ акслантириш $n>m$ бўлганда субмерсия дейилади.

“Эгрилиги номанфий кўпхилликлар геометрияси” деб номланувчи биринчи бобнинг учинчи параграфида секцион эгрилик, қатлам ва қатламали кўпхиллик секцион эгриликлари орасидаги боғланиш, субмерсия сатҳ сиртининг гаусс эгрилигини ҳисоблаш ўрганилган.

Берилган M кўпхилликдаги силлиқ вектор майдонлар тўпламини $V(M)$ орқали белгилаб, қуйидаги акслантиришни қарайлик

$$\nabla:V(M)\times V(M)\to V(M)$$
$$(u,X)\to\nabla_u X \qquad (1)$$

у E^n да (U,h) локал координаталарда ушбу тенглик билан аниқланган бўлсин

$$\left(\nabla_u X\right)_p=\left(u^i\frac{\partial\overline{X}^j}{\partial x^i}\frac{\partial}{\partial x^j}\right)_p=\left(\sum_{j=1}^{n}\left(\sum_{i=1}^{n}u^i\frac{\partial\overline{X}^j}{\partial x^i}\right)\frac{\partial}{\partial x^j}\right)_p.$$

Таъриф 1.3.1. Юқоридаги (1) акслантириш қуйидаги хоссаларни қаноатлантиради ва боғланиш деб аталади:

а) $\nabla_{au+bv}X=a\nabla_u X+b\nabla_v X$,

б) $\nabla_u(aX+bY)=a\nabla_u X+b\nabla_u Y$,

с) $\nabla_u(f\,X)=(uf)X_x+f(x)\nabla_u X$.

Бу ерда uf - f функциядан u вектор йўналиши бўйича ҳосила. $\nabla_u X$ ифода X вектор майдоннинг u вектор йўналиши бўйича ковариант ҳосиласи дейилади.

Таъриф 1.3.2. Кўпхилликдаги ҳар қандай силлиқ вектор майдон X, Y лар учун

$$\nabla_X Y-\nabla_Y X=[X,Y]$$

муносабат бажарилса, ∇ боғланиш симметрик (ёки буралишга эга бўлмаган боғланиш) дейилади.

Таъриф 1.3.3. Кўпхилликдаги ҳар қандай силлиқ вектор майдон X, Y, Z лар учун

$$X\left\langle Y,Z\right\rangle = \left\langle \nabla_X Y, Z\right\rangle + \left\langle Y, \nabla_X Z\right\rangle$$

тенглик бажарилса, ∇ боғланиш риман боғланиши, ёки Леви-Чивита риман боғланиши дейилади. Бу тенглик Риччи айнияти деб аталади.

Ҳар бир $p \in M$ нуқта ва ихтиёрий $u,v \in T_p M$ векторлар учун

$$R(u,v)w = \nabla_X \nabla_Y Z - \nabla_Y \nabla_X Z - \nabla_{[X,Y]} Z$$

қоида билан таъсир қилувчи $R(u,v): T_p M \to T_p M$ акслантириш эгрилик алмаштириши дейилади, бунда X,Y,Z – $X_p = u$, $Y_p = v$, $Z_p = w$ шартни қаноатлантирувчи силлиқ вектор майдонлар.

Таъриф 1.3.4. Қуйидаги қоида

$$k(u,v) := \left\langle R(u,v)v, u\right\rangle$$

билан аниқланган

$$k : T_p M \times T_p M \to R$$

функция риман эгрилиги деб аталади.

Бизга $\sigma \subset T_p M$ текислик берилган бўлиб, u,v векторлар унинг базиси бўлса, бу текисликка K_σ ҳақиқий сонни мос қўямиз:

$$K_\sigma = \frac{\left\langle R(u,v)v,u\right\rangle}{|u|^2 |v|^2 - \left\langle u,v\right\rangle^2}. \qquad (2)$$

бунда $\left\langle u,v\right\rangle$ – g риман метрикаси ёрдамида аниқланган скаляр кўпайтма. K_σ катталик σ текислик йўналишидаги секцион эгрилик ёки икки ўлчамли йўналишдаги эгрилик дейилади.

Бизга $f : M \to R$ функция берилган бўлсин. $Z = \mathrm{grad}\, f$ орқали унинг градиентини белгилаймиз. $p \in R$ нуқта учун $L_p = f^{-1}(p) = \{q : f(q) = p\}$ бўлсин. $T_q L_p$ орқали L_q кўпхилликнинг q нуқтасидаги уринма фазосини белгилаймиз. Бизга $\sigma \subset T_q L_p$ текислик берилиб, унинг ортонормал базис векторлари u, v бўлсин. У ҳолда L_p ва M кўпхилликларнинг σ текислик йўналишидаги секцион эгриликлари k_σ ва $\tilde{k}_\sigma$ қуйидаги

$$k_\sigma = \tilde{k}_\sigma + \frac{1}{(\mathrm{grad}\, f)^2} \det\begin{pmatrix} h_f(u,u) & h_f(u,v) \\ h_f(u,v) & h_f(v,v) \end{pmatrix} \qquad (3)$$

формула орқали боғланади, бунда $h_f(u,v)=\left\langle \nabla_u Z, v\right\rangle$.

Биз (0,1) типли тензор майдон

$$X \to \nabla^{\tau}_X Z$$

ни қарайлик, бунда X – L_p кўпхилликка уринувчи вектор майдон, $\nabla^{\tau}_X Z$ – $\nabla_X Z$ векторнинг уринма ташкил этувчиси. Бу тензор майдон f функциянинг Гесси матрицаси деб номланган A матрица ёрдамида берилади.

Озод ҳади $(-1)^n \det A$ бўлган A матрицанинг характеристик кўпҳадини $\chi(\lambda)$ билан белгилаб, бу кўпҳад ёрдамида $\rho(\lambda)$ кўпҳадни қуйидаги айният билан аниқлаймиз:

$$\lambda\rho(\lambda)=\det A-(-1)^n \chi(\lambda).$$

Маълум айният $\chi(A)=0$ дан $A\rho(A)=\det A\cdot E$ га эга бўламиз. Ҳар қандай базисда $A^c=\rho(A)$ матрицанинг элементлари A матрицанинг мос элементлари алгебраик тўлдирувчилари бўлади.

Қисм кўпхиллик L_p нинг гаусс эгрилиги

$$G=\frac{1}{\|\nabla f\|^{n+1}}\left\langle A^c \nabla f, \nabla f\right\rangle \tag{4}$$

формула билан ҳисобланади.

Гаусс ва секцион эгриликлар R^3 фазода тенг эканлигини инобатга олсак, бу ҳолда (4) формула секцион эгриликни ҳисоблашнинг қулай усули бўлади.

Диссертациянинг “Номанфий эгриликли кўпхилликларда риман субмерсияларининг геометрияси” деб номланган иккинчи боби учта параграфдан иборат. Диссертациянинг бу бобида риман субмерсиялари ҳосил қилган қатламалар геометрияси тадқиқ қилинган.

Иккинчи бобнинг биринчи параграфида $f:M\to R$ метрик функциянинг сатҳ сиртлари геометрияси ўрганилган.

Субмерсия, яъни максимал рангли дифференциалланувчи акслантириш $f:M\to B$ берилган бўлсин, бунда M,B –ўлчами мос ҳолда $n,m,\ n>m$ бўлган силлиқ кўпхилликлар. У ҳолда 1.2.1 теоремага асосан M кўпхилликда қатламлари $L_p=\left\{q\in M: f(q)=p\right\}$ тўпламларнинг боғланишлилик компоненталаридан иборат $k=n-m$ ўлчамли қатлама ҳосил бўлади.

Қатлам L_p нинг q нуқтасидаги уринма фазони T_qF орқали, T_qF қисм фазо ортогонал тўлдирувчисини H_qF орқали белгиласак, натижада уринма қатлама $TM=\{T_qM\}$ нинг қисм қатламалари $TF=\{T_qF\}$, $HF=\{H_qF\}$ ҳосил бўлиб, $TM=TF\oplus HF$ ортогонал йиғиндига эга бўламиз. Натижада ҳар бир X вектор майдон $X=X^v+X^h$ кўринишда тасвирланади, бунда $X^v\in TF$, $X^h\in HF$. Агар $X^h=0$ (мос ҳолда $X^v=0$) бўлса, у ҳолда X вектор майдонга вертикал (мос ҳолда горизонтал) вектор майдон дейилади.

Субмерсия $f: M \to B$ берилган бўлсин. Ҳар қандай $u \in T_p B$ вектор ва ихтиёрий $q \in L_p$ нуқта учун шундай $h \in H_q F$ вектор мавжудки $df_p(h) = u$ бўлади. h вектор u векторнинг q нуқтадаги горизонтал кўтарилиши дейилади. B даги X вектор майдон учун ҳар бир q нуқтадаги қиймати $X_{f(q)}$ векторнинг горизонтал кўтарилиши бўладиган M даги $\bar{X}$ вектор майдон X вектор майдоннинг горизонтал кўтарилиши дейилади.

Таъриф 2.1.1. Берилган $f: M \to R$ субмерсия дифференциали df горизонтал вектор узунлигини сақласа, у риман субмерсияси дейилади.

Таъриф 2.1.2. Критик нуқтага эга бўлмаган $f: M \to R$ дифференциалланувчи функция берилиб, ҳар бир вертикал вектор майдон X учун $X\left(|gradf|^2\right) = 0$ шарт бажарилса, яъни градиент вектор майдон узунлиги ҳар бир сатҳ сиртида ўзгармас бўлса, у метрик функция дейилади.

Биринчи параграфнинг асосий натижаси қуйидаги теоремадан иборат.

Теорема 2.1.1. Агар $f: M \to R$ метрик функция бўлса, у ҳолда R да шундай риман метрикаси g^* мавжудки, бу метрикага нисбатан берилган функция риман субмерсияси бўлади.

“Риман субмерсиялари сатҳ сиртларининг эгрилиги” деб номланган иккинчи параграфда номанфий секцион эгриликли кўпхилликда берилган метрик функция сатҳ сиртлари номанфий секцион эгриликли қисм кўпхиллик бўлиши исботланган.

Субмерсия геометриясини B кўпхиллик бир ўлчамли бўлган ҳолда ўрганамиз.

Қуйидаги теорема M кўпхиллик ва f функция сатҳ сирти секцион эгриликлари орасидаги боғланишни кўрсатади.

Теорема 2.2.1. Номанфий (мусбат) секцион эгриликли кўпхиллик M, критик нуқтага эга бўлмаган дифференциалланувчи функция $f: M \to R$ берилган ва ҳар бир X вертикал вектор майдон учун $X\left(|gradf|^2\right) = 0$ бўлсин. У ҳолда F қатламанинг ҳар бир қатлами (f функциянинг сатҳ сирти) номанфий (мусбат) секцион эгриликли қисм кўпхиллик бўлади.

Теорема 2.2.1. нинг исботидан фойдаланиб қуйидаги натижа олинган:

Қуйидаги субмерсияни қарайлик

$$f: M \to R^k, \quad f(q) = \{f_1(q), f_2(q), \cdots, f_k(q)\}.$$

Бунда субмерсия M да $n-k$ ўлчамли F қатламани ҳосил қилади.

Қуйидаги теорема f субмерсия ёрдамида ҳосил қилинган F қатлама қатлами ва M кўпхиллик секцион эгриликлари орасидаги боғланишни кўрсатади.

Теорема 2.2.2. Ўзгармас номанфий (мусбат) секцион эгриликли M кўпхиллик ва $f: M \to R^k$ субмерсия берилган бўлсин, бунда

$$f(q) = \{f_1(q), f_2(q), \cdots, f_k(q)\}.$$

Ҳар бир X вертикал вектор майдон учун $X\left(\left|gradf_i\right|^2\right)=0$ бўлсин деб фараз қилайлик. У ҳолда F қатламанинг ҳар бир қатлами номанфий (мусбат) секцион эгриликли қисм кўпхиллик бўлади.

Изоҳ. Сиртнинг секцион эгрилиги ўзгармас бўлиши шарт эмас.

“Номанфий эгриликли кўпхилликларда субмерсиялар геометрияси” деб номланган учинчи параграфда икки ўлчамли сферада берилган Киллинг вектор майдонлари орбитаси устида риман субмерсияси қурилган, бунда майдонлар орбитаси сфера билан мос келади ва субмерсия уч ўлчамли торда бир ўлчамли қатлама ҳосил қилади.

Берилган кўпхилликда бирор $D\subset V(M)$ тўпламни қарайлик.

Вектор майдон X нинг $t=0$ да $x\in M$ нуқтадан ўтувчи интеграл чизиғини $t\to X^t(x)$ орқали белгилаймиз. $t\to X^t(x)$ акслантириш бирор $I(x)\subset R$ соҳада аниқланган бўлиб, умумий ҳолда X майдонга ва бошланғич x нуқтага боғлиқ. Бундан кейинги барча $X^t(x)$ кўринишдаги формулаларда $t\in I(x)$ деб ҳисоблаймиз.

Таъриф 2.3.2. Берилган M кўпхилликнинг

$$y=X_k^{t_k}\left(X_{k-1}^{t_{k-1}}\left(...\left(X_1^{t_1}(x)\right)...\right)\right)$$

тенгликни қаноатлантирувчи y нуқталар тўплами Dвектор майдонлар оиласининг x нуқтадан ўтувчи орбитаси дейилади ва $L(x)$ кўринишда белгиланади, бунда $X_1,X_2,...,X_k$ - D даги вектор майдонлар, $t_1,t_2,...,t_k$-ҳақиқий сонлар, k-ихтиёрий натурал сон.

Америкалик профессор Г.Суссманн ва Буюк Британиялик математик П.Стефан силлиқ вектор майдонлар оиласининг Суссманн топологияси киритилган ҳар бир орбитаси C^r, $r\geq 1$ дифференциал структурага эга бўлиб, M кўпхилликка ботирилган қисм кўпхиллик бўлишини кўрсатдилар.

А.Нарманов, С.Саитованинг[2] ишларида Киллинг вектор майдонлари орбиталари геометрияси ўрганилган. Эслатиб ўтамиз, M даги X вектор майдон ёрдамида ҳосил қилинган локал алмаштириш $x\to X^t(x)$ лар группаси изометриялардан иборат бўлса, X вектор майдон Киллинг вектор майдони дейилади.

Сфера S^2 да берилган

$$X_1=\{-y,x,0\},\ X_2=\{-z,0,x\}.$$

Киллинг вектор майдонларидан иборат D оилани қарайлик. Бу оилани ўз ичига олувчи минимал Ли алгебрасини $A(D)$кўринишда белгилаймиз. Бу вектор майдонларнинг Ли қавси $X_3=\{0,z,-y\}$ га тенг. X_1, X_2, X_3 вектор майдонлар минимал алгебра $A(D)$ нинг базиси бўлади. Ҳар бир нуқта учун оила орбитаси S^2 билан устма-уст тушади.

Қуйидаги тенглик ёрдамида

---

[2] Нарманов А.Я., Саитова С.С. О геометрии орбит векторных полей Киллинга. Дифференциальные уравнения. 2014, том 50, №12, с.1582-1589.

$$\pi(t_1,t_2,t_3)=X_3^{t_3}\left(X_2^{t_2}\left(X_1^{t_1}(p)\right)\right),$$

$\pi : R^3 \to S^2$ акслантиришни ҳосил қиламиз, бунда $p(1,0,0)\in S^2$. X_1, X_2, X_3 вектор майдонлар оқимлари сферадаги айлантиришлардан иборат бўлгани учун бу акслантиришни уч ўлчамли тор $T^3=S^1\times S^1\times S^1$ да қарашимиз мумкин.

Теорема 2.3.3. Тор T^3 да шундай риман метрикаси g мавжудки

$$\pi : T^3 \to S^2$$

акслантириш T^3 да риман қатламасини ҳосил қилади.

Диссертациянинг “Киллинг вектор майдонлари орбиталари устидаги субмерсиялар геометрияси” деб номланган учинчи бобида Киллинг вектор майдонлари геометриясини ўрганиш натижасида юзага келган баъзи субмерсиялар геометрияси ўрганилган.

Бу бобнинг биринчи параграфида R^3 фазода учта Киллинг вектор майдонлари оиласи D қаралган:

$$X=\frac{\partial}{\partial x},\quad Y=\frac{\partial}{\partial y},\quad Z=-z\frac{\partial}{\partial x}+x\frac{\partial}{\partial z}.$$

Минимал қисм алгебра $A(D)$ нинг базис векторлари қуйидагича:

$$X_1=\frac{\partial}{\partial x},\ X_2=\frac{\partial}{\partial z},\ X_3=-z\frac{\partial}{\partial x}+x\frac{\partial}{\partial z},\ X_4=\frac{\partial}{\partial y}.$$

Маълумки, $\dim A_p(D)=3$ ва $\dim A_p(D)\le \dim L(p)$ бўлганидан, ҳар бир орбита $L(p)$ уч ўлчамли кўпхиллик бўлади.

Натижада $\pi(t_1,t_2,t_3,t_4)=X_2^{t_2}(X_3^{t_3}(X_4^{t_4}(X_1^{t_1}(O))))$ формула бўйича дифференциалланувчи $\pi : R^4 \to R^3$ акслантиришни ҳосил қиламиз, бунда O - R^3 фазода координата боши.

Теорема 3.1.4. Евклид фазоси R^3 да шундай риман метрикаси $\tilde{g}$ мавжудки, бу метрикага нисбатан

1. $\pi : R^4 \to R^3$ акслантириш риман субмерсияси бўлади;
2. Кўпхиллик $(R^3,\tilde{g})$ номанфий эгриликли кўпхиллик бўлади.

Берилган мисоллар ёрдамида $(R^3,\tilde{g})$ кўпхилликнинг баъзи икки ўлчамли йўналишдаги секцион эгрилилари қатъий нолдан катталиги кўрсатилган.

Кейин R^4 фазода Киллинг вектор майдонлари

$$Y_1=\frac{\partial}{\partial x_1},\ Y_2=\frac{\partial}{\partial x_2},\ Y_3=-x_3\frac{\partial}{\partial x_1}+x_1\frac{\partial}{\partial x_3},\ Y_4=-x_4\frac{\partial}{\partial x_2}+x_2\frac{\partial}{\partial x_4}$$

дан иборат D оила қаралган. Мини-мал қисм алгебра $A(D)$ нинг базис векторлари $X_i = \frac{\partial}{\partial x_i}$, $i = 1,2,3,4$, $X_5 = Y_3$, $X_6 = Y_4$ лардан иборат, шунинг учун ҳар бир $p \in R^4$ нуқтанинг орбитаси $L(p)$ - R^4 фазо билан устма-уст тушади.

Бу орбита ёрдамида $\pi : R^6 \to R^4$ субмерсияни

$$\pi\left(t_1,t_2,t_3,t_4,t_5,t_6\right) = X_6^{t_4}\left(X_4^{t_6}\left(X_2^{t_2}\left(X_5^{t_3}\left(X_3^{t_5}\left(X_1^{t_1}\left(O\right)\right)\right)\right)\right)\right),$$

формула билан аниқлаймиз, бунда O - R^4 фазо координата боши.

Теорема 3.1.5. Евклид фазоси R^4 да шундай риман метрикаси $\tilde{g}$ мавжудки, бу риман метрикасига нисбатан $\pi : R^6 \to R^4$ акслантириш риман субмерсияси бўлиб, $\tilde{g}$ риман метрикасига нисбатан $(R^4, \tilde{g})$ кўпхиллик номанфий эгриликли кўпхиллик бўлади.

Шу бобнинг “Номанфий эгриликли изопараметрик қатламалари геометрияси” деб номланган иккинчи параграфида биринчи параграфда қурилган субмерсия изопараметрик қатлама ҳосил қилиши исботланган.

Ушбу $S(X,U) = \nabla_X^v U$ формула билан берилган

$$S : V(F) \times H(F) \to V(F)$$

акслантиришга иккинчи асосий тензор дейилади, бунда $\nabla_X^v U$ – $\nabla_X U$ вектор майдоннинг вертикал ташкил этувчиси, $V(F)$, $H(F)$-мос ҳолда барча вертикал ва горизонтал вектор майдонлар.

Фиксирланган нормал майдон $U \in H(F)$ учун $S(X,U)$ тензор (1,1) типли S_U тензор майдонга айланади:

$$S(X,U) = S_U X = \nabla_X^v U .$$

Тензор майдон S_U бичизиқли форма l_U ни аниқлайди:

$$l_U(X,Y) = \left\langle S_U X, Y \right\rangle .$$

Нормал вектор майдон U га нисбатан S_U га иккинчи асосий тензор, $l_U(X,Y)$ га эса иккинчи асосий форма дейилади.

Тензор майдон S_U чизиқли акслантириш бўлади, шунинг учун у матрица ёрдамида берилади: $S(X,U) = AX$.

Горизонтал вектор майдон U берилганда ҳар бир $Y \in V(F)$ майдон учун $[Y,U]$ майдон ҳам вертикал бўлса, U га қатламланувчи дейилади. Агар U қатламланувчи бўлса, у ҳолда A матрицанинг хос сонларига F қатламанинг бош эгриликлари дейилади. Агар бош эгриликлар қатлам бўйича локал ўзгармас бўлса, у ҳолда F қатламага изопараметрик дейилади.

Теорема 3.2.1. Теорема 3.1.4 да берилган $\pi : R^4 \to R^3$ риман субмерсияси R^4 да изопараметрик қатлама ҳосил қилади.

Теорема 3.2.2. Теорема 3.1.5 да берилган риман субмерсияси эгрилиги нолга тенг изопараметрик қатлама ҳосил қилади.

Учинчи бобнинг “Киллинг вектор майдонлари орбиталари устидаги субмерсиялар геометрияси” деб номланган учинчи параграфида R^n да k таси буриш ва $n-k$ таси параллел кўчиришлардан иборат n та Киллинг вектор майдонларининг оиласи D қаралган, бунда $n = 2k + l$:

$$Y_i = \begin{cases} -x_i \dfrac{\partial}{\partial x_{i-1}} + x_{i-1} \dfrac{\partial}{\partial x_i}, & \text{агар } i \text{ жуфт ва } 1 < i \le 2k \text{ бўлса,} \\ \dfrac{\partial}{\partial x_i}, & \text{акс холда.} \end{cases}$$

$A(D)$ минимал алгебранинг базис векторлари $n+k$ та вектор майдон

$$X_j = \frac{\partial}{\partial x_j}, \quad X_{n+s} = -x_{2s} \frac{\partial}{\partial x_{2s-1}} + x_{2s-1} \frac{\partial}{\partial x_{2s}},$$

лардан иборатлиги кўрсатилган, бунда $j = 1, 2, ..., n$ ва $s = 1, 2, ..., k.$

Теорема 3.1.1. га асосан ҳар бир нуқта учун D оиланинг орбитаси R^n фазо билан устма-уст тушади. Шунинг учун биз қуйидаги формула билан $\pi : R^{n+k} \to R^n$ субмерсияни аниқлаймиз:

$$\pi(t_1, t_2, ..., t_{n+k}) = X_{n+k}^{t_{n+k}}(...(X_2^{t_2}(X_1^{t_1}(O)...)),$$

бунда O - R^n фазо коордитана боши. Қуйидаги теорема ўринли.

Теорема 3.3.1. R^n да шундай риман метрикаси $\tilde{g}$ мавжуд бўлиб,

1) $\pi : R^{n+k} \to R^n$ акслантириш риман субмерсияси бўлади ва риман қатламасини ҳосил қилади;

2) $\pi : R^{n+k} \to R^n$ субмерсия R^n фазода изопараметрик қатлама ҳосил қилади;

3) $(R^n, \tilde{g})$ фазо номанфий эгриликли кўпхиллик бўлади;

Агар $k \ge 2$ бўлса, у ҳолда

4) $\pi : R^{n+k} \to R^n$ субмерсия R^{n+k} фазода эгрилиги нолга тенг қатлама ҳосил қилади.

ХУЛОСА

Диссертация эгрилиги номанфий кўпхилликларда Риман субмерсиялари геометриясига бағишланган. Диссертация ишида олинган асосий натижалар қуйидагилардан иборат:

1. Секцион эгрилиги ўзгармас номанфий кўпхилликда берилган компоненталари метрик функциялардан иборат субмерсия ҳосил қилган қатламанинг ҳар бир қатлами номанфий (мусбат) секцион эгриликли кўпхиллик бўлиши исботланган;
2. Уч ўлчамли торда икки ўлчамли сферадаги Киллинг вектор майдонлар орбитаси устида қурилган риман субмерсиясининг бир ўлчамли риман қатлама ҳосил қилиши исботланган;
3. Киллинг вектор майдонлари орбитасида шу орбита устида қурилган субмерсия риман субмерсияси бўладиган риман метрикаси мавжудлиги исботланган.
4. Риман субмерсиясини ҳосил қилган Киллинг вектор майдонлари орбитаси номанфий эгриликли кўпхиллик бўлиши исботланган.
5. Киллинг вектор майдонлари орбитаси ёрдамида ҳосил қилинган риман субмерсияси изопараметрик қатлама ҳосил қилиши исботланган;
6. Киллинг вектор майдонлари орбитаси устида қурилган риман субмерсияси ҳосил қилган икки ва ундан катта ўлчамли қатламанинг эгрилиги нолга тенглиги исботланган.

Диссертация ишидаги барча натижалар янги ҳисобланади ва улардан вектор майдонлар назариясида, қатламалар назариясида, риман субмерсиялари геометриясида ва замонавий геометриянинг бошқа бўлимларида олиб бориладиган тадқиқотларда фойдаланиш мумкин.

Муаллиф илмий раҳбари профессор Абдигаппар Якубович Нармановга муаммоларнинг қўйилиши ва уларни муҳокама қилишда доимий фойдали маслаҳатлари ва кўрсатмалари учун ўзининг чуқур миннатдорлигини билдиради.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

ТУРСУНОВ БАЙРАМАЛИ АКБАРОВИЧ

ГЕОМЕТРИЯ РИМАНОВЫХ СУБМЕРСИЙ МНОГООБРАЗИЙ НЕОТРИЦАТЕЛЬНОЙ КРИВИЗНЫ

01.01.04 – Геометрия и топология

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ

Ташкент – 2020 год

Тема диссертации доктора философии (Doctor of Philosophy) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2020.2.PhD/FM502.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана имени М. Улугбека и в Каршинском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.ik-fizmat@nuu.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Нарманов Абдиганпар Якубович**
доктор физико-математических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Заитов Адилбек Атаханович**
доктор физико-математических наук

Каипназарова Гулжахон Хожаназаровна
кандидат физико-математических наук

Ведущая организация: **Ташкентский государственный транспортный университет**

Защита диссертации состоится «4» августа 2020 года в 10^{00} часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 4. Тел.: (+99871)227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21, e-mail: nauka@nuu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована за №53). (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 4. Тел.: (+99871) 246-02-24).

Автореферат диссертации разослан «28» июля 2020 года.
(протокол рассылки №1 от «27» июля 2020 года).

А.Садуллаев
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.ф.-м.н., профессор, академик

Н.К.Мамадалиев
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, Ph.D.

Р.Б.Бешимов
Председатель научного семинара при Научном совете
по присуждению ученых степеней,
д.ф.-м.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии(PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Многие научные и практические исследования, проводимых в области фундаментальных и прикладных наук в мире, используют геометрические методы, в том числе методы и результаты теории слоений, порождённых римановыми субмерсиями. Теория слоений является относительно новым разделом геометрии, фундаментальные основы которого созданы французскими учёными. Ими получены фундаментальные результаты по теории слоений, которые позволили понять важность этой теории в других областях науки и техники. В частности, французские математики ввели и изучили такие понятия как группы голономии слоений, связность Эресмана для слоений, предельные множества слоев слоения, и используя эти понятия они доказали теоремы о локальной и глобальной стабильности слоений. В дальнейшем эта теория развивалась в США, Японии, Польше и в России. Американскими математиками получены важные результаты по слоениям со связностью Эресмана, в частности по геометрии вполне геодезических и римановых слоений, японские математики университета Токио изучили топологические свойства слоений. Российские учёные получили фундаментальные результаты по геометрии слоений коразмерности один.

В настоящее время, в мире, одной из актуальных проблем современной геометрии является изучение геометрии слоений, порожденных поверхностями уровня субмерсий. Геометрия слоений, порожденных субмерсиями находят различные приложения во многих областях прикладных наук, в частности в физике. Применение результатов по геометрии слоений в других областях науки, в частности для решений задач механики, теории динамических систем являются актуальными научными направлениями.

В нашей стране большое е внимание уделяется развитию естественных наук, в частности развитию фундаментальных и прикладных направлений математики. Геометрия как древняя и важная составляющая современной математики является мощным инструментов в исследованиях по современные математики. Особое внимание было уделено изучению теории слоений, которая является интенсивно развивается во многих странах мира, в частности изучению геометрии слоений, порожденных субмерсиями, геометрии и топологии сингулярных слоений, порожденных орбитами векторных полей, изучению группы изометрий слоеных многообразий. Проведение научных исследований по приоритетным направлениям математических наук на уровне международных стандартов по важным направлениям специальности «Алгебра, теория динамических систем, геометрия и топология и т.д.» рассматривается как основная задача фундаментальных исследований[1].[3] Развитие

---

[1] Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 18 мая 2017 года №292 «О мерах по организации деятельности вновь созданных научно-исследовательских учреждений Академии наук Республики Узбекистан»

теории слоений и приложений в других отраслях науки играют важную роль при исполнении этого постановления.

Тема и объект исследования настоящей диссертации находится в русле проблем, которые входят в тематику задач, отмеченных в Указах Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», № УП-2789 от 17 февраля 2017 года «О дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности» и ПП-4387 от 9 июля 2019 года «О мерах государственной поддержки дальнейшего развития математического образования и науки, а также коренного совершенствования деятельности Института математики имени В.И.Романовского Академии наук Республики Узбекистан», а также в других нормативно-правовых актах, относящихся к данной области деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в Республике Узбекистан IV. «Математика, механика и информатика».

